





Мустақиллик байрами арафасида "Навоий" эркин индустриал-иктисодий зонасида рақамли телевизион тунерлар ишлаб чиқарадиган янги завод фойдаланишга топширилди.

# РАҚАМЛИ ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАР УЧУН ТЮНЕРЛАР

Президентимизнинг 2009 йил 12 мартда қабул қилинган "2009 — 2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарорига

қариш қувватига эга. Мазкур ишлаб чиқариш субъекти "Навоий" эркин индустриал-иктисодий зонасида ташкил этилгани боис бериладиган имтиёзлар ҳисобидан маъсулот нархи хорижикидан анча арзон бўлади.

## Карор ва ихро

рақамли телевидение учун ушбу қабул қилиш мосламасини йиғиш (set-top-box) бўйича инвестиция лойиҳаси Ўзбекистон алоқа ва ахборот-лаштириш агентлиги томонидан амалга оширилди.

Рақамли телекўрсатувларга ўтиш жараёнида мамлакатимиз аҳолисининг шу турдаги тунерларга бўлган талабини қондириш мақсадида "Servetechno PTE LTD" (Сингапур) компанияси, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси ва "Telmax Elektroniks" (Ўзбекистон) масъулияти чекланган жамияти томонидан "Навоий" эркин индустриал-иктисодий зонаси ҳудудида "Telecom Innovations" масъулияти чекланган жамияти шаклида рақамли қабул қилиш мосламаларини йиғиш бўйича қўшма корхона ташкил этилди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 6,8 миллиард сўмни ташкил этади. У "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси ва "Telmax Elektroniks" масъулияти чекланган жамияти томонидан молиялаштирилди, шунингдек, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси кредити жалб қилинди.

Корхона йилга 50 мингдан ортиқ тунер ишлаб чи-

қилинган жори рақамли телевидение эрдимида оддий телевизорларда ҳам рақамли телевидение дастурларини қабул қилиш мумкин. Қулай меню калларини тез қўздан кечириб ва тахрир қилиш имконини беради.

Маълумки, Ўзбекистон МДХда биринчилардан бўлиб рақамли телевидение жорий этилмоқда. Айни пайтда Тошкент ва Бухоро шаҳарларида ер усти рақамли телевидениенинг тажриба зонаси босқичма-босқич ташкил қилинмоқда. Мамлакатимизда 2015 йилгача ер усти рақамли телевидение жорий этишни частотали-худудий режаси тасдиқланган.

2008 йилда Тошкент ва Бухоро шаҳарларида иккита узатиш аппарати фойдаланишга топширилди. Яқинда пойтахтимиздаги телеинорада яна битта рақамли ретранслятор монтаж қилинди ва ҳозир пойтахтимизда 25 та канал трансляция қилинмоқда. Кейинчалик уларнинг сони 42 тага етади. Жорий йилда Тошкент ва Самарқанд учун яна учта узатиш аппарати етказиб берилди, бошқа вилоятлар марказлари учун эса тўртинчи узатиш аппарати бўйича тендер ўтказилади.

**В. НИКОЛАЕВ,**  
**ЎЗА мухбири.**

# Фермер – спортчилар ҳомийси

Президентимиз маърузаларидан бирида шундай деган эдилар: "Ер Тошкент вилоятида олтин билан баробар".

Ҳеч иккиланмай айтиш мумкин, айни пайтда вилоятда ана шу таърифни таснифий мазмун-моҳиятини теран аниқлаб, берилган йўл-йўриқ ва кўрсатмаларни ўз фаолиятининг мезонига айлантирган ернинг ҳақиқий эгалари қўлаб топилди. Паркент туманидаги "Рахимжон" фермер ҳўжалиги раҳбари Дилшод Абдуллаев — шулардан бири.

Тадбиркорнинг 325 гектар ер майдони бўлиб, асосий қисми лалми саналади. Шунга қарамай, бу йил фермер 85 тонна галла етштириб, шартнома режасини ошириб бажарди. Иккита хайдов трактори, битта ўрмиш комбайни, 51 бош қорамол, 310 бош қўй-эчкидан олаётган даромади ҳам тобора яхшиланиб бормоқда.

Лекин биз бугун бошқа ибратомуз ташаббус ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Аниқроғи, Дилшод Абдуллаевнинг фермер-спортчи сифатидаги фазилатлари қўлимизга қоғоз-қалам олишга ундади. У кўрган соф фойдаси ҳисобидан 350 миллион сўм сарфлаб, Болалар спорт мажмуасини барпо этди. Барқамол авлод йилда қад ростлаган ушбу кўркем мақсад энг улус, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик куни арафасида фойдаланишга топширилди.

## Ташаббус

— Болалигимдан спорт, айниқса, курашга меҳрим баланд, — дейди Д. Абдуллаев. — Лаймо у пайтлари ўзингиз суйган спорт тури билан шуғулланиш учун шароитлар йўқ эди. Истиқлолимиз шарофати билан ана шу орзуларимиз бутун буй-бас ти билан рўйбга чиқди. Тадбиркорлик, фермерликни эстагидан маҳкам тутганлар учун яратиб берилган қулайликлар шу мақсадларимизни амалга оширишга замин бўлди. Ўзимдан мисол, Деҳқонлик, чорвачиликдан бахту барака толдим. Шўқр, дастурхонимиз тўқин, ҳаётимиз фаровон. Ортирға-

нимизга спорт мажмуаси қуришни ният қилган эдик. Мана, мақсадимизга эришдик. Бу ерда Мустақилликимизнинг 19 йиллиги ва Барқамол авлод йилга бағишлаб, катта кураш турнири ўтказдик.

Ташқи кўриниши ниятда кўркем ва замонавий ушбу иншоот Истикбол маҳалласи ифтихорига айланади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан олиб келинган замонавий спорт инвентарлари билан жиҳозланганлиги эса айни мўъво бўлди. Мана шундай ажойиб имкониятлар оғушида ёшлар кураш, волейбол, теннис каби спорт турлари билан шуғулланиш имкониятига эга бўладилар.

**Содиқжон МАХСУМОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Қонунбузарлар қўлга олинди

Молдова полицияси "Уран-238" радиоактив моддасини сақлаётган жиноий гуруҳни қўлга олди.

Модда радиация хатари меъёридан 60 марта ортиқ бўлган шариотда эканлиги аниқланган. Бундан ташқари, жиноятчилар яшайдиган уйдан катта миқдорда қурол-яроғ, ўқ-ортиқ бўлган шариотда эканлиги аниқланган. Бундан ташқари, жиноятчилар қалбаки рақамлари топилган.

## Жиноий гуруҳ йўқ қилинди

Мексикалик ҳарбийлар томонидан 25 нафар жиноятчи йўқ қилинди. Бу ҳақда "Associated Press" ахборот агентлиги хабар берди.

Аввалига Нуэво-Леон штатида номаълум шахслар патруль хизмати вазирасини ўтаётган аскарларга қарата ўқ узган. Шундан сўнг отишма бошланган. Ҳозирча ҳарбийлар орасида қурбонлар бор ёки йўқлиги номаълум. Ушбу жиноий гуруҳ одам ўғирлаш ва гиёҳванд моддалар савдоси билан ҳам шуғулланганлиги аниқланган.

## Халқаро олди-сотди

Жанубий Кореянинг "Korea National Oil Corp" (KNOC) давлат нефть компанияси Буюк Британиянинг "Dana Petroleum"ни ўз таркибига қўшиб олишни бошлади.

Келишув нархи 2,9 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Ҳозиргача корей-лар тарафи инглизларнинг 49 фоиз акциясини ўзиники қилиб олишга улгурди.

## Савдонинг белига тепди

Италиянинг "Ferrari" автокомпанияси мураккаб аҳволда қолди.

Ҳап шундаки, унинг сотувга чиқарилган 1248 та сўнги русумдаги "458 Italia" автомобиллари хавфсизлик талабларига жавоб бермагани учун қайтариб олинди. Ҳозиргача АҚШ, Хитой, Франция ва Швейцариядаги мижозлар ушбу автомашинанинг айрим эҳтиёт қисмларида ўз-ўзидан ёниб кетиш хавфи борлигидан шикоят қилганлар. Баҳоси 260 миң АҚШ доллари турадиган мажмур теъорлар транспорт воситасининг дастлабкиси шу йил мартда ишлаб чиқарилган.

## «Бор барака»га ҳали бор

Канаданинг калий ўғитлари ишлаб чиқарувчи "Potash" компанияси сотилиш арафасида.

Ҳозирча Буюк Британиянинг "BHP Billiton" компанияси 39 миллиард АҚШ долларлик таклиф билан Бирок канадаликлар бу борада янада яхшироқ нарх қутишга танини маълум қилдилар. Харидорлар орасида "Sinofert" (Хитой) компаниясининг имкониятлари юқори баҳоланмоқда.

## Яна бир платформада портлаш

Мексика қўрғазидаги "Mariner Energy" компаниясига тегишли нефть платформаларидан бирида портлаш рўй берди.

Оқибатда 13 киши жабрланди, қурбонлар йўқ. Вокёе жойига қутқарув вертолётлари ва кемалар етиб келган. Ҳозирча ёнгин остида қолган платформадан денгизга "қора олтин" оқиб чиққани ҳақида маълумотлар йўқ.

## Сайёраларнинг энг йирик тизими

Астрономлар томонидан сайёраларнинг энг йирик тизими топилди.

ни олган самовий жисм атрофида еттига сайёра айланар экан. У бизнинг галактикадан 127 ёруғлик йили узокликда жойлашган. Таркибидagi сайёралар асосий юлдузни тўлиқ айланиб ўтиши учун масофага қараб олти кундан олти юз кунгача вақт сарфлайди. Уларнинг вазири Ер шаридан 13-25 марта оғирроқдир.

## «Болари»ли реклама

Буюк Британиянинг Девоншир графлигида гаройиб реклама тахтаси пайдо бўлди.

Эълон матнини яратишда юз мингта асалари "хизмати"дан фойдаланилди. Ҳашаротлар тахтага "SOS" ёзувини ҳосил қилганлар. Шу орқали ташкилотчилар боларилар камайиб кетаётгани ҳақида оғохлантириб, одамларни митти меҳнатдашларни асраб-авайлашга, атроф-муҳит мусафолигини таъминлашга қақаришни мақсад қилганлар. Бундай ташаббус билан экологик жиҳатдан тоза маъсулот ишлаб чиқарувчи "Banrock Station Wines" компанияси чиқди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ

ижро этувчи аппарати шунини маълум қиладики, Пенсия жамғармасининг худудий бўлинмаларида мебель сотиб олиш бўйича ўтказилган тендер савдолари натижаларига қўра, «STEKLOPLASTIK» МЧЖ ғолиб деб топилди, «ART FURNITURE» МЧЖ шаклидаги ХК эса захирадаги ғолиб бўлди.

**Қарши шаҳридаги «Дунё-М» очик акциядорлик жамияти жамоаси**

*Ўзбекистон халқини Мустақиллигимизнинг шонли 19 йиллиги билан салимий тадбирлайди!*

*Эл юртимизни тинчлик, тотувлик, бахту иқбол ҳеч қачон тарк этмасин! Ғаллазорларимиздан бўлик, ҳосил, дастурхонларимиздан бўрсилдоқ, нонлар ариласин!*

*Истиқлол хонадонларимизга кўт-барака, файзу тароват ато этаверсин!*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

2010 йилда мактабгача таълим муассасаларидаги илк ёш гуруҳлари учун ўйинчоқлар ва DVD-плеерлар харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказилаётганлигини маълум қилади.

Ушбу тендер савдосини ўтказиш тўғрисидаги эълон «Маърифат» газетасининг 2010 йил 21 августдаги 66 (8299)-сонда қол этилганлигини инобатга олиб, тендер таклифлари тендер комиссиясининг ишчи органига 2010 йил 19 сентябрь куни соат 15.00 дан кечиктирилмаган ҳолда тақдим қилиниши лозим.

Халқ таълими вазирилик 2010 йилда мактабгача таълим муассасаларидаги илк ёш гуруҳлари учун ўйинчоқлар ва DVD-плеерларни харид қилиш бўйича тендер савдоларини Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги «Тендер савдоларини ташкил этишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 456-сонли қарори талабларига асосан ўтказмоқда.

Тендер мактабгача таълим муассасаларидаги илк ёш гуруҳлари учун ўйинчоқлар ва DVD-плеерларни арзон ва сифатли етказиб бериш тажрибасига эга бўлган хорижий фирмалар ва ташкилотлар ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (товар етказиб бериувчилар) иштирокида очик кўринишда ўтказилмоқда.

Тендерда иштирок этиш истагида бўлганлар ишлаб чиқарган ёки етказиб берадиган ўйинчоқлари учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилик ҳузурдаги Республика бадий-техник кенгашидан ўйинчоқларнинг маънавий-ахлоқий, тарбиявий ва психологик хусусиятларига мослиги тўғрисида хулоса олишлари шарт.

Бунинг учун улар ёзма равишда ариза билан кенгашнинг ишчи органига мурожаат қилишлари лозим. **Иштирокчининг аризасига қуйидагилар илова қилинади:** — юридик шахс ёки яқна тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси; — болалар ўйинчоғи намунаси (ҳар бир болалар ўйинчоқ турлари учун алоҳида); — болалар ўйинчоғининг болалар саломатлигига таъсири, яъни ўйинчоқдан акралиб чиқилиши мумкин бўлган зарарли моддаларнинг меъёри (кимёвий кўрсаткичлари) бўйича Республика санитария-эпидемиология назорати маркази хулосаси; — болалар ўйинчоғининг мувофиқлик сертификати; — болалар ўйинчоғининг техник паспорти ва фойдаланиш бўйича методик кўрсатмасининг асли (агар у мавжуд бўлса); — болалар ўйинчоғининг 10x15 см. ўлчамдаги икки дона фотосурати; — икки ёки ундан ортиқ болалар ўйинчоқлари тақдим этилган тақдирда, уларнинг рўйхати.

Республика бадий-техник кенгаши ишчи органи икки кун муддатда иштирокчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ва материалларни ўрганеди. Агар тақдим этилган ҳужжатлар ва материаллар тўлиқ ёки етарли бўлмаса, кенгаш ишчи органи асосланган сабабларни кўрсатган ҳолда, иштирокчига ёзма равишда унинг аризаси-

ни кўриб чиқиш рад этилганлигини маълум қилади. Иштирокчи кенгаш ишчи органи томонидан унинг аризасини кўриб чиқиш рад этилганлигига баъзи бўлган қамчиликларни бартараф этиб, такоран ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Тақдим этилган ҳужжатлар ва материаллар тўлиқ ҳамда етарли бўлганда кенгаш ишчи органи икки кун муддатда аризани кенгашга қиратилади. Кенгаш томонидан аризаларни кўриб чиқиш ариза тақдим этилган санадан бошлаб беш кун муддатда амалга оширилади.

Кенгаш иштирокчиларнинг аризаларини кўриб чиқиш натижаси бўйича ўйинчоқларнинг маънавий-ахлоқий, тарбиявий ва психологик хусусиятларига мослиги ҳақида хулоса бериши ёки бундай хулоса бериши рад этиши мумкин.

Хулосанинг асл нусхаси уч кундан кечиктирилмасдан кенгашнинг ишчи органи томонидан тегишли иштирокчига юборилади. Хулоса олиш учун тақдим этилган ўйинчоқларнинг намуналари тегишли ҳужжатлари билан бирга кенгашнинг ишчи органига сақланади.

**Республика бадий-техник кенгаши ишчи органи манзили: 100095, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Зий кўчаси (собик А. Саидов), 6-уй.**

**Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 246-98-04, 246-95-50.**

Республика бадий-техник кенгашидан ижобий хулосани олиб, тендерда иштирок этиш истагини билдирган талабгорлар тендер комиссияси ёки унинг ишчи органи томонидан малакали танловдан ўтказилади.

**Бунинг учун талабгорлар тендер комиссиясининг ишчи органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:**

- Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг худудий бошқармаси томонидан берилган, талабгорнинг банкротлик ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
- талабгорнинг қайта ташкил этиш ёки тугатилиш ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи давлат рўйхатга олиш идорасидан маълумотнома;
- талабгорнинг юридик шахс эканлиги ва фаолият кўрсатаётганлиги тўғрисида давлат рўйхатга олиш идоралари томонидан берилган гувоҳноманинг нотариал идора томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаси;
- талабгорнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган давлат солиқ инспекцияси маълумотномасининг асл нусхаси (солиштирма доллотнома илова қилинган ҳолда);
- эълон берилган даврда талабгорнинг картотекаси бўйича (К-2) асосий ва иккиламчи ҳисоб рақамидан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида хизмат

кўрсатувчи банкнинг ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган маълумотномасининг асл нусхаси;

— Халқ таълими вазирилик ҳузурдаги Республика бадий-техник кенгашидан ишлаб чиқарган ёки етказиб берадиган ўйинчоқларни маънавий-ахлоқий, тарбиявий ва психологик хусусиятларига мослиги тўғрисида олинган хулосанинг асл нусхаси;

— тендер комиссиясининг ишчи органига иштирок этаётган ўйинчоқлар ва DVD-плеерлар намуналаридан учтадан тақдим этилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

— хорижий корхоналар учун дунёда танланган аудиторлик компанияси хулосаси тақдим қилиниши лозим.

**Қуйидаги юридик шахслар тендерда иштирок этиш учун қўйилмади:**

- қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик арафасида турган;
- малакали танлов учун барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
- илгари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилик билан тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни бажармаган;
- тендер эълон қилинганга қадар таъсис этилганга 6 ой бўлмаган;
- бюртматка билан суд ёки ҳакамлик мукоамасида иши кўриб чиқилаётган;
- Халқ таълими вазирилик ҳузурдаги Республика бадий-техник кенгашидан ишлаб чиқарган ёки етказиб берадиган ўйинчоқларни маънавий-ахлоқий, тарбиявий ва психологик хусусиятларига мослиги тўғрисида хулосаси (ижобий) мавжуд бўлмаган;
- тендер комиссиясининг ишчи органига иштирок этаётган ўйинчоқлар ва

DVD-плеерлар намуналаридан тақдим этмаган.

Малакали танловни ўтказиш тендер таклифларини қабул қилишнинг охири санасидан бошлаб 10 кун муддат ичида амалга оширилади. Тендер комиссиясининг кўрсатмаси асосида ишчи органи ишлаб чиқариш жойлари, технологик ускуналарнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариш қуввати, хом ашё ва материаллар захираси ҳақида бошқа керакли жиҳатларни бевосита ўрганиш ҳуқуқига эга.

Талабгорлар қўшимча маълумотларни тендер комиссиясининг ишчи органидан олишлари мумкин. Маълумот учун талабгорлар тендер таклифлари топширишнинг сўнги кунига қадар ҳар кун (шанба ва яшанба кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: **100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 4-қavat, 424 ва 428-хоналар, 2010 йилда мактабгача таълим муассасаларидаги илк ёш гуруҳлари учун ўйинчоқлар ва DVD-плеерлар харид қилиш бўйича тендер савдоларини ўтказиш тендер комиссияси ишчи органи.**

**Телефонлар: (+998 71) 239-17-49, 239-16-62, 239-41-11. Факс: (+998 71) 239-16-62.**

Халқ таълими вазириликнинг қуйида келтирилган махсус ҳисоб рақамига 500 000 (беш юз миң) сўм миқдоридида қайтарилмайдиган тўлов пул ўтказиш йўли билан ўтказилган сўнг юқорида кўрсатилган манзилдан тендер ҳужжатлари олинди: махсус ҳисоб рақами 20203000100101044002, АТИБ «Ипотекабанк»нинг «Меҳнат» филиали, МФО: 00423, СТИР: 201122808.

**Тендер савдоларида харид қилинадиган ўйинчоқлар ва DVD-плеерларнинг энг юқори (максимал) нархлари:**

Т/р	Жиҳозларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Энг юқори (максимал) нархи
1.	Кубиклар мажмуи	тўпلام	28 098
2.	Қолипчали пирамида	дона	40 343
3.	Пластмассали ва резинали кўғирчоқлар	тўпلام	11 141
4.	Сарак-сарак (невалашка)	дона	5 544
5.	Катта машина	дона	34 412
6.	Кичкина машина	дона	12 633
7.	Резинали ёки пластмассали коптоқлар	тўпلام	4 263
8.	Рангли қолипчалар	тўпلام	41 258
9.	«Тебранувчи тимсоҳ» лабиринти «Стол устида ўйналадиган» лабиринт «Каталка» лабиринти	тўпلام	53 002
10.	Мантикий кубиклар	дона	60 988
11.	Тахтали қолипчалар	дона	33 035
12.	Катта ҳажмли тебранувчи ўйинчоқ	дона	106 123
13.	Болалар ўйинчоқ қаравоти ва кўғирчоқ	дона	6 322
14.	DVD-плеер	дона	182 391

Тендер таклифи умумий қийматнинг 2% миқдоридида зақалат билан кафолатланиши шарт. Зақалат суммаси ҳар бир пакет (маъсулот) учун алоҳида Халқ таълими вазириликнинг юқоридаги махсус рақамига ўтказилиши керак. Тендер таклифлари солинган конвертларнинг очилиши тендер комиссияси томонидан амалга оширилади.



**А**бу Райхон Беруний (973-1048) XI асрнинг тенгсиз алломасидир. У илм-фанда қизиқиш доирасининг ниҳоятда кенглиги, тафаккурининг фақулодда дадиллиги билан ажралиб туради. Бундай нобъ истеъдод у яратган 150 дан кўпроқ фундаментал мазмун-моҳиятли асарларда ёрқин акс этган. Ушбу асарлар аниқ, табиий ва гуманитар фанлар тараққиётига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилган. Уларнинг айримлари бизгача етиб келган. Аммо етиб келганларининг ўзи Берунийни энг улуг алломалардан бири сифатида бутун дунёда эътироф этилишини таъминламоқда. Куйида биз Беруний меросининг бир неча дурдона қатралари тўғрисида ҳикоя қилмоқчимиз.

# АБАДИЯТГА ДАХЛДОР СИЙМО

Берунийни чинакамига катта қомусий билимли аллома сифатида намён этган дастлабки асарларидан бири, унинг "Осор ул-боқия" ("Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар") китобидир. У Европада "Хроника" деб номланган.

Мазкур беназир асарда, аввало, ўрта асрлардаги вақт ҳақидаги тасаввурлар таҳлил этилади. Масалан, Каспий денгизи бўйидаги Журжон (Гургон) вилоятида (Беруний айнан шу шаҳарда яшаётган пайтда юқоридаги асарини яратган) зардуштийларнинг Кўёшли тақвимига кўра, вақт ҳисобида Яздигар даврининг IV асри тугашига 30 йил қолган эди. Мусулмонларнинг хижрий-қамарий йил ҳисоби эса 391-йилни кўрсатмоқда эди. Юнонлар, мисрликлар, суряликлар, иудейлар, сабийлар эса бошқача тақвимларга амал қилиб келишарди. Бундан ташқари, ушбу китобда турли мамлакатлар ва халқлар тарихи, урф-одатлари, аъёнлари, маданияти, этнографияси ҳақида қизиқарли маълумотлар баён этилган. Жумладан, бу китобдан биз неча минг йил аввалги миллий тарихимиз ҳақида ҳам бениҳоят қимматли маълумотларни топаемиз.

Қомусийлик — Беруний асарларидан яна бошқа, гоҳ-гоҳ муҳим бир тарзда намён бўлади: унинг асарларида муайян бир мавзу ва масала бор бўйича, кенг тарихий ва илмий кенгликларда очилади. Бундай қомусийликнинг ёрқин бир далили Берунийнинг "Хиндистон" китобидир. Бу китобда мана шу мамлакатнинг географияси, тарихи,

узок тарихли маданияти, этнографияси, Хиндистондаги турли халқларнинг урф-одатлари, аъёнлари, диний эътиқодлари, ниҳоят, Хиндистон илм-фани, астрономияси, математикаси чуқур ва атрафлича таҳлил этилади. Шу боис Жаҳоҳарлаъ Неру ушбу китобни хиндларнинг ўзлигини англашида бебаҳо тарихий манба, деб таърифлаган эди. Қолаверса, бу китоб

## Тарихингдир минг асрлар...

тоб хиндларни буюк тарихли ва қадимги цивилизацияли бир халқ сифатида дунёга танитди.

Беруний айнан "Хиндистон" асарида Мухит уммони (Атлантика ва Тинч океани) ортита, ғарбий яримшарда яхлит бир қуруқликнинг, кейинчалик Америка деб аталган қитъанинг мавжудлигини европалар олимлардан 450 йилча олдин тахмин қилиб, ўз асарида баён этган.

Алломининг ўлмас асарларидан яна бири "Қонуни Масъудий"дир. "Қонуни Масъудий" ўн битта китобни ўз ичига олади. Асарнинг ҳар бир китоби муайян бир илм-фан соҳасининг тарихий-илмий таҳлиliga бағишланган. Масалан, унинг учинчи китобида тригонометрия соҳасининг тарихий илмий асослари очилиб, бу математика соҳаси дунё илм-фанида биринчи марта илм-фаннинг алоҳида, муҳим бир тури сифатида тақдим этилади. Тригонометрия шундан кейин жаҳонда кенг ривож топди.

"Қонуни Масъудий"ни ордан икки аср ўтиб, араб муаррихи Ёқут ал-Ҳамавий: "У (яъни "Қонуни Масъудий") математика ва астрономияга доир барча китобларни ўз

зиёси қаршисида нурсизлан-тирди", деб таърифлаган эди.

Берунийнинг одамзодни ўзига мафтун этиб келаётган китобларидан яна бири, ҳозирги тилда бир сўз билан айтганда, "Минерология" деб аталади. XI асрнинг 40-йилларида яратилган бу асарда нодир тошлар ва металллар хусусияти икки қисмда таҳлил этилади. Аммо,

айтишимиз керакки, у шунчаки "маълумотлар тўплами" эмас, балки китобда нодир тошлар ва металллар ҳақида Ер юзида мавжуд қарашлар танқидий кўриб чиқилиб, уларнинг нодирлигини белгилашнинг чуқур илмий асоси янги мезонлар илгари сурилади. Аниқроқ қилиб айтсак, Берунийгача, масалан, нодир тошлар ранги, жиноси ва айрим бошқа жиҳатлари асосида баҳоланган. Беруний эса тошларнинг қадрини уларнинг жисман қаттиқлиги ҳамда солиштирма оғирлигига қараб аниқлаш тўғри эканлигини айтади. Шу асосда фикрини ривожлантириб, бошқа қимматли илмий фаразларни ҳам баён этади. "Олмос ва

Таъқидлаш керакки, Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг илм-фани, тамаддунига беҳисса ҳисса қўшган алломалар қатори Абу Райхон Беруний даҳосига ҳам беҳисса ҳурмат-эъзоз кўрсатилди. Бугун унинг номи билан аталган республика талаба ёшлари учун стипендия таъсис этилган, мамлакатимизда Беруний номи билан аталган туман, олий ўқув юрталари, зиё масканлари, кўча ва хиёбонлар бор. Ўзининг бебаҳо асарлари орқали олам аҳлини хайратлантирган Берунийнинг ҳаёти ҳамда илмий фаолияти инсониятга, илм-фанга виждонан ва қалбдан берилиб, фидойиларча хизмат қилишнинг ёрқин намунаси бўлиб қолаверади.

зумрад тошларни ўзаро боғлаб турадиган хусусият — уларнинг солиштирма оғирлиги, жисман қаттиқлигидир, уларнинг қонлари ҳам табиий ҳудудларда бири-биридан ўзқода жойлашмаган бўлади", дейди аллома. Унинг, айниқса, бундай минераллар Марказий Осиёнинг қайси ҳудудларида қазиб олинаётганлиги тўғрисидаги маълумотлари замонавий геология-қон қидирув ишлари учун аҳамиятлидир.

Алломининг илмий фаолиятига мансуб яна бир нобъ асар бу "Сайдана"дир. Фармакогнозия, яъни ўсимлик ва ҳайвонлар танасида мавжуд шифобахш хусусиятга эга моддаларни ўрганишга бағишланган мазкур китобда деярли 1,5 минг йиллик давр мобайнида яшаб ўтган 250 дан кўпроқ доришunos мутахассис олимларнинг илмий қарашлари кўриб чиқилади. Кейин 750 хил доришunos ўсимлик, 101 турдаги ҳайвон организмидан мавжуд доришunos моддалар, 107 хил минерал, 30 хилдан кўпроқ захарли ва парҳез вазиятида қўлланиладиган мураккаб таркибли доришunosлар тавсифланади.

Китобнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда қаламга олинган ўсимлик, ҳайвонот турларининг номлари, улардан олинган доришunosлар дунёнинг турли тилларида қандай аталгани ҳам баён этилган. Беруний араб, форс, юнон, хинд, сурёний, сўғдий, паҳлавий тилларини мукаммал эгаллаганлиги учун ҳам бундай кўп тили қиёсий-тиббий китобни яратиш имкониятига эга эди. "Сайдана"нинг айнан шу жиҳати унинг оламга машҳур бўлишини таъминлади. "Сайдана" ҳозирги кунда ҳам дунё тиббиёт мутахассисларининг зарур китобларидан биридир.

Михли САФАРОВ тайёрлади.



## «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК  
ТЕМИР ЙЎЛ КОМПАНИЯСИ

барча ватандошларимизни  
энг улуг ва энг азиз байрам —  
**Мустақилликнинг  
19 йиллиги**  
билан самимий қутлайди!

**Азиз юртдошлар!**  
Ватанимиз тараққиёти йўлидаги  
эзгу ва хайрли ишларингизда улкан  
муваффақиятлар тилаймиз.

Хонадонларимиздан тинчлик,  
фаровонлик, файзу барака аримасин.  
Мустақиллигимиз қўёши абадий порласин!



## Қишлоқда янги коллеж

Фаллаорол туманидаги "Қипчоқсув" ҚФЙ ҳудудида 335 ўқувчи ўрнига мўлжалланган саноат ва транспорт касб-хунар коллежи барпо этилди.

Янги ўқув йилида Губдин, Гумсой, Хитой-юз, Қайрағочли, Солин лари мактаб битирувчиларидан 120 на-

фари ушбу коллежга ўқишга қабул қилинди. Вилоятдаги "Мафтун" кўп тармоқли хусусий фирмаси қурувчилари 2,4 мил-

## Бунёдкорлик

лиард сўмдан зиёдроқ маблаг сарфлаб, бунёд этган мазкур масканда 50 ўринли ётоқхона, спорт ва мажлислар зали ҳамда ўқув-устахоналари мавжуд.

**Б. САТОРОВ,**  
«Халқ сўзи» муҳбири.

**Б-ҲАВО**  
(4 сентябрь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгартиб туради, ёгингарчилик бўлмайд. Кечаси 18-23, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик қўйилмайди. Харорат тунда 20-25, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгартиб туради, ёгингарчилик қўйилмайди. Кечаси 15-20, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгартиб туради, ёгингарчилик қўйилмайди. Кечаси 17-22, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ёгингарчилик қўйилмайди. Тунда 15-20, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгартиб туради, ёгингарчилик бўлмайд. Харорат тунда 17-19, кундузи 35-37 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгиромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

**ПП «ЧИРЧИК ШАНХАЙ ПЛАСТ» ООО**  
ПРОИЗВОДИТ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ  
ДЛЯ ВОДОСНАБЖЕНИЯ, ГАЗОСНАБЖЕНИЯ И ДЛЯ КАНАЛИЗАЦИИ

Диаметр труб от 16 до 710 мм, выдерживающие давление до 20 кг/см²

Соединительные детали:  
ТРОЙНИКИ, ПЕРЕХОДНИКИ, ОТВОДЫ, АДАПТЕРЫ, КРЕСТОВИНА  
Проводим монтаж трубопроводов  
Используем только первичное сырье: РЕ-80, РЕ-100

На всю продукцию имеется СЕРТИФИКАТ СООТВЕТСТВИЯ, ГИГИЕНА в таске ISO 9001:2008

Индивидуальный подход к каждому клиенту **Качество у нас!!!**

Гибкая система СКИДОК  
Гарантия — 2 года, срок службы — 50 лет.

Адрес: г. Ташкент, ул. Шайхантахур, 36, головной офис: Бизнес-центр «Лабзак»  
Тел./факс: 244-83-00, моб. (+998 90) 995-19-99, (+998 93) 547-49-75, (+998 97) 404-56-42.  
e-mail: sedou2006@yandex.ru

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га**  
ЭЪЛОНЛАР  
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача  
232-11-15,  
236-09-25.

## Хурматли юртдошлар!

Сиз ҳуқуқ-тартибот ва қонунийлик бўлишига оид ҳар қандай масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва бошқармаларининг навбатчилик қисмларига қуйидаги «Ишонч телефонлари» орқали мурожаат қилишингиз мумкин. Мурожаат этган шахснинг исми-шарифи сир сақланиши кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги	(8-371) 233-39-39
Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги	(8-361) 222-56-76
Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси	(8-371) 232-03-30
Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-374) 224-87-50
Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-365) 224-64-86
Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-372) 226-03-02
Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-436) 223-06-71
Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-369) 226-60-55
Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-366) 233-00-00
Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-367) 225-33-30
Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-376) 227-25-51
Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-371) 264-18-32
Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-373) 224-29-08
Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-362) 226-32-16
Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-375) 221-82-45
Транспортдаги Ички ишлар бошқармаси	(8-371) 252-61-39

**SONATA** **Ўз йўлингни танла!**



Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км.

МАКСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**HYUNDAI** Official Partner **www.hyundai.com.uz**  
Tel. (8-371) 250-11-11

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси Мумтоз адабиёт тарихи бўлимининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди Саййидил Рафиддиновга онаси **ОЙИМҲОН** аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси жамоаси Илмий марказ катта илмий ходими, иқтисод фанлари номзоди Ҳавноҳон Раҳимовага волидаи муҳтарамаси **МАЙРАМҲОН** аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари жамоаси таҳририят ходими Мавлуда Сулаймоновага волидаи муҳтарамаси **САОДАТ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур тазия изҳор этади.

«O'zbekiston» телерадиоканали ДУК жамоаси Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририят бўлими мудири Кенжебай Белжановга акиси **Абдулла ҚОДИРБЕКОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент молия институти ректорати ва бирлашган касба уюшмаси кўчаси Менежмент кафедраси доценти Отабек Жумаевга отаси **Толиб ЖУМАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур тазия изҳор этади.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 803. 41738 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Оффсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тажрибига келган кўлаблар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материалли

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Орипов.  
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.  
Навбатчи — М. Оқунова.  
Мусаҳҳих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ҳақ якуни — 22.30 Топширилди — 22.50

12 4 5